

ДУНЁ ЭЪТИРОФ ЭТГАН ТАШАББУС

Аввал хабар қилинганидек, 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида "Маърифат ва диний бағрикенглик" номли махсус резолюция қабул қилинди. Ушбу резолюция Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурган ташаббуснинг амалий ифодасидир.



Ирфон Юсуф ШОМИЙ,
Покистон Ислам Республикасининг
Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор
элчиси:

Ўзбекистон илгари сурган ташаббуснинг муҳимлиги шундаки, дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатлари энди унинг ҳаммуаллифи ҳисобланади. БМТда маъқулланган резолюцияни Покистон ҳам дастлабки босқичдан кўллаб-қувватлади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мазкур резолюциянинг асосини ташкил этувчи соҳаларни ривожлантириш йўлида кўллаб ишларни амалга ошириди. Консенсус йўли билан қабул қилинган ҳужжатда

барча аъзо давлатлар Президент Шавкат Мирзиёев ташаббусини юксак баҳоладилар. Халқ бирдамлиги, диний бағрикенглик, инсон ҳуқуқлари унинг асосини ташкил этади. Мазкур резолюция дунё ҳамжамияти учун энг мақбул ҳужжат бўлади, деб ўйлайман. Яқинда Самарқандда Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми бўлиб ўтган, унда Самарқанд декларацияси қабул қилинган эди. Халқаро ҳамжамият ва тарихан муштарак бўлган минтақа мамлакатлари ҳам бу ташаббусни кўллаб-қувватлайди.

(Давоми 2-бетда)

ТАНЛОВ ГОЛИБИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ БЕРИЛДИ

"Ёш китобхон" танловининг 20-30 ёшлилар ўртасидаги республика босқичида 14 нафар қатнашчи "Ўзбек адабиёти билимдони", "Жаҳон адабиёти билимдони", "Буюк мутафаккир ва адиб" ҳамда "Шеърят" йўналишида билимларини синовдан ўтказди.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларни баҳолашда уларнинг белгиланган китобларни ўқиганлиги, асарнинг мазмун-моҳиятини тушунгани ва уни таҳлил қилиб бера олиш қобилиятига қараб баҳолаб боришди.

Танловнинг сўнгги шarti "Шеърят" йўналишида Тошкент вилоятидан Дилнавоз Нажимова, Тошкент шаҳридан Шоҳсанам Холбоева ва Андижон вилоятидан Шоҳсанам Каримовалар таниқли шоирлар Усмон Азим, Сирожиддин Саид, Абдулла Орипов ҳамда Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб шеърини сатрларни бадиий таҳлил қилишда муваффақиятли иштирок этди.

Умумий баҳолаш натижаларига кўра, Низомий номидagi Тошкент давлат педагогика университети 3-босқич талабаси, пойтахтлик Шоҳсанам Холбоева 327,2 балл билан "Ёш китобхон" танловининг республика босқичида голибликни қўлга киритиб, Президент совғаси - "Spark" автомобили ва "Kitob olami" дўконига 3 ойлик харид учун 20 фойз чегирмага сазовор бўлди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ўтказилган "Ёш китобхон" танлови республика босқичига тайёргарликлар давомида 60 дан ортиқ китобларни ўқиб чиқдим, - дейди Ш.Холбоева. - Мазкур танловда голиб бўлишга аҳд қилиб, тайёргарликларга пухта ёндашдим. Уйимизда ота-онам кичик кутубхона яратиб берган. Бу каби имконият ва шарт-шароитлар учун улардан чексиз миннатдорман. Танловга тайинимсиз ўқидим, асарларни таҳлил қилдим. Ёзда қолиши учун энг муҳим нукталарни дафтаримга қайд этиб бордим. Аслида китоб ўқишни жуда яхши кўраман. Президент совғасига сазовор бўлганим китобга бўлган меҳрим, бадиий адабиётни севиб мутолаа қилганимдан, деб ўйлайман. Усмон Носир, Лев Толстой, Пауло Коэльо каби адибларнинг ижодини катта қизиқиш билан мутолаа қиламан. Келажакда малакали ўқитувчи бўлиб, ўзим каби ёш китобхонлар даврасини кенгайтиришни мақсад қилганман.

Тошкент вилоятидан Дилнавоз Нажимова 264,5 балл билан 2-ўринни эгаллаб, компьютер жамланмаси ва "Kitob olami" дўконига 3 ойлик харид учун 15 фойзлик чегирмага билан тақдирланди.

Жиззахлик Дилнавоз Илҳомова эса 259,2 балл билан 3-ўринни қўлга киритиб, 200 та китоблар жамланмаси ва "Kitob olami" дўконига 3 ойлик харид учун 10 фойзлик чегирмага эга бўлди.

Танловнинг барча иштирокчилари "Dugonalari" ва "Yosh kuch" журналлари ҳамда "Yoshlar ovozi" газетасига 1 йиллик бепул обуна қилинди.

2018 йилги "Ёш китобхон" танловининг саралаш босқичларида 20-30 ёш тоифасидаги 1 минг 128 нафар иштирокчи ўз билимини синовдан кўрди.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
"Ёшлар медиа маркази" бош репортёри



Хелена ФРЕЙЗЕР,
БМТнинг Ўзбекистондаги доимий
мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт
дастурининг доимий вакили:

"Маърифат ва диний бағрикенглик" номли резолюция БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қабул қилинди. 51 давлат Ўзбекистон томонидан илгари сурилган конструктив тақлиф, яъни дунёда мавжуд барча динларга нисбатан маънавий бағрикенглик маданиятини кучайтиришга доир гоани кўллаб-қувватладилар. Чунки ушбу резолюция бағрикенглик билан бирга, маданий ва диний билимларни кучайтириш тамойиллини ҳам олға сурган ҳолда, глобал тинчлик ва фаровонлик учун устувор йўналиш бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Владимир НОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Стратегик ва минтақалар
аро тадқиқотлар институти директори:

БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси қабул қилиниши 2018 йилнинг муҳим тарихий воқеаси бўлди. Ушбу ҳужжат Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртимизда миллатлараро ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида узоқни кўлаб олиб борилаётган изчил чора-тадбирларнинг дунё ҳамжамияти томонидан тан олиншидир. Резолюцияда асосий эътибор ҳуқуқий маданиятни ошириш, диний маъ-

рифатни кучайтириш орқали инсонлар онгини соф туйғулар билан озиқлантиришга қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳукм сураётган миллатлараро ва динлараро тотувлик, дўстлик ва бағрикенглик муҳити ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, Ватанимизнинг халқаро сайдода обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Амани эл-ИТР хоним,
Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор
элчиси:

Ушбу муҳим резолюцияни Миср ҳам кўллаб-қувватлади. Давлатларимиз ўртасида айна масаладаги туташ нукта, бу - Ўзбекистон билан Мисрнинг диний тотувлик жамият барқарорлигида муҳим роль ўйнашини англаб етганидир. Резолюциядан кўлаб муҳим жиҳатлар ўрин олган. Таълим йўналишини оладиган бўлсак, Ўзбекистонда турли миллат вакиллари, турфа динга эътиқод қилувчилар ўзларининг муносиб ўрнига эга. Мазкур йўналишда мамлакатингизда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Резолюция ташаббускори бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бу Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият олдига турган мураккаб муаммолар ечимини топишда оқилона ташаббуси бўлди.

"ТАШАББУС" ДАН "SPARK" ЮТГАН ПОЙТАХТЛИК ТАДБИРКОР

"AZR TEXTILE GROUP" МЧЖ раҳбари Азиз Зоиров
Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун
"Ташаббус - 2018" кўрик-танловида "Йилнинг энг яхши
ёш тадбиркори" йўналиши голиби бўлди ва "Spark"
автомашинаси билан мукофотланди.

Ана сизга 25 ёшга
тулган йилнинг галабаси.
Бу бир йилгит учун
ҳақиқий бахт эмасми?

"AZR TEXTILE GROUP"
масъулияти чекланган жа-
мияти бугун тўла қувват
билан ишлаб, юзлаб бур-
юртмаларни бажариб, эк-
спорт салоҳиятини оши-
риб бораётган корхоналар
сирасига киради.

Азиз Зоировнинг таъ-
кидлашича, корхона даст-
лаб 2006 йилда яқна тар-
тибдаги тадбиркор сифа-
тида иш бошлаган. Ўн-ўн
беш чоғли қизлар буюртма асосида
ишчи кийимларни тикишарди. Тад-
биркорликда муваффақият ўз-ўзидан
қўлга киритилмайди. Унинг машақ-
қатларини шу соҳа ичиди юрганлар
яхши билишади. 2011 йилга келиб,
корхона юридик мақомга эга бўлди.
МЧЖ сифатида фаолиятини кенгай-
тиришни бошлади. Ишчилар сони
30 га яқинлашди. "AZR TEXTILE
GROUP" МЧЖда буюртма асосида
махсус униформалар тикилиш йўлга
қўйилди.

Дастлаб тикув ишлари Хитой даст-
гоҳларида амалга оширилган бўлса,
эндиликда бу ускуналар Япония ҳамда
Корея технологиясига алмаштирилди.
Бу билан ишлаб чиқариш тури кўпайиб,
сифати ошди. Масалан, махсус кийим
униформа алоҳида, махсус оёқ кийим-
лар, курувчилар учун бош кийимлар-
ни алоҳида тайёрлаш йўлга қўйилди.
Бунинг қўлайлик тарафи ҳар битта
мижоз корхонанинг ўзидан комплект
— махсус кийим, оёқ ҳамда бош кий-
имни буюртма қилади.

Маълумки, ҳозирги кунда мамлака-
тимизда қурилиш индустрияси ривож-
ланаяпти. Қаерга қарамаган, қури-
лиш, бунёдкорлик ишларини кўрасиз.
Ийрик-ийрик қурилиш ташкилотлари
"AZR TEXTILE GROUP" мижозлари са-
налади. "Ўзтелеком", "Ўзбекистон те-
мир йўллари" АЖ, "Ўзбекистон кўприк
қурилиш", "Мустаҳкам қурилиш" каби
ийрик компаниялар корхона мижози-
га айланган. Корхонанинг турли тад-
бирларда иштирок этиши янги ми-
жозлар сонининг ортишига омил
бўлмоқда. Хусусан, 2017 йилда "Ўзек-



Азиз Зоировнинг таъкидлашича, корхона дастлаб 2006 йилда яқна тартибдаги тадбиркор сифатида иш бошлаган. Ўн-ўн беш чоғли қизлар буюртма асосида ишчи кийимларни тикишарди. Тадбиркорликда муваффақият ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Унинг машаққатларини шу соҳа ичиди юрганлар яхши билишади. 2011 йилга келиб, корхона юридик мақомга эга бўлди. МЧЖ сифатида фаолиятини кенгайтиришни бошлади. Ишчилар сони 30 га яқинлашди. "AZR TEXTILE GROUP" МЧЖда буюртма асосида махсус униформалар тикилиш йўлга қўйилди.

спомарказ"да бўлиб ўтган кўргазма-
да иштирок этиб, кўлаб буюртмачи-
лар билан шартнома имзоладди.
Корхонанинг товар айланмаси ва
экспорт салоҳияти йил сайин ортиб
бормоқда. Биргина, 2017 йилда 110
минг АҚШ доллари миқдоридида эк-
спорт ишлари амалга оширилди. Бу-
нга корхонанинг 2015 йилда ISO-9001
халқаро сифат сертификатини олгани
кўл келди. Шу туфайли махсулотлар
жаҳон бозорига йўл олмоқда.

Жамият ишчилари малакали тикув-
чилардан иборат. Дизайнерлар ҳам
шунга яраша. Ҳозирда Сергелида кас-
ка - бош кийим, Юнусободда махсус
кийимлар, Чилонзорда трикотаж мах-
сулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Тош-
кент вилоятининг Паркент туманида
тоза чармдан оёқ кийимлар ишлаб чи-
қариш йўлга қўйилди.

Президентимизнинг тадбиркор-
ликни ривожлантиришга оид қарор-
лари бизга ҳар томонлама мадад
бўлапти. — дейди ёш тадбиркор
Азиз Зоиров. — Берилган имконият
ва имтиёزلардан фойдаланиб, олға
интиляямиз.

МЧЖ 2019 йилда Юнусободдан 2
гектарлик ер олиб, корхонани янада
кенгайтириш устида иш олиб бора-
япти. Бу билан 180 та иш ўрни ярати-
лади. Айрим ноёб махсулотлар ўзи-
мизда ўзлаштирилади. Бир сўз бил-
ан айтганда, келгуси режалар улкан.
Ёш тадбиркор А.Зоиров давр билан
ҳамнафас бўлиб, инновацион гоялар-
ни ҳаётга татбиқ этиш устида изла-
нишлар олиб бормоқда.

З.ШАРИФЖОНОВ

КОРЕЯ ФИРМАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ АВТОКЛАСТЕР ТАШКИЛ ЭТИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш
вазирлигида Жанубий Кореянинг "SMC Co., Ltd" компанияси
вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда газ
баллонни ускуналарини синовдан ўтказиш ва автотранспорт
воситаларини техник кўриқдан ўтказиш марказларига эга
автокластер ташкил этиш лойиҳаси муҳокама қилинди.

Вазирликдан маълум
қилишларича, шу мақсадда
мамлакатимиз вилоятлари-
да ихтисослашган лабора-
ториялар очилади, уларнинг
негизиди барча зарур тад-
қиқот ва ўлчамлар амалга
оширилади.

Корея Республикаси ком-
панияси лойиҳани амалга
ошириш мақсадида 50 мил-
лион АҚШ доллари миқдо-
рида сармога киритиши
ҳамда давлат-хусусий ше-

риклиги асосида ҳамкорлик
қилишга тайёр. Бунда Ко-
реянинг молия институтла-
ри лойиҳани тўғридан-тўғри
молиялаштиради.

Ўзбекистонда автотранс-
порт воситаларига ўрнатил-
ган газ баллонни ускуналарининг
портлаш ҳолатлари қайд
этилгани, шунингдек,
бундай воситалардан хавф-
сиз фойдаланиш тизимида
камчиликлар мавжудлигини
ҳисобга олиб, яқин кунлар-

да вазирликда автотранс-
порт тармоғи вакиллари
иштирокида янги лойиҳа
муҳокамасига бағишланган
учрашув ўтказиш кўзда ту-
тилган.

Таъкидлаш жоизки, Ко-
рея Республикасида авто-
транспорт воситасига ўрна-
тилган газ баллонни ускуна-
си портлаши билан боғлиқ
ҳолат 2010 йил августиди
қайд этилган.

Роман БОНДАРЧУК



● Президентимизнинг жорий йил 13
декабрдаги фармойишига кўра, Ўзбе-
кистон Республикаси Қуролли Кучла-
ри ташкил этилганининг 27 йиллиги
ҳамда Ватан химоячилари кўни муно-
сабати билан 2018 йил 15 декабрдан
2019 йил 15 январга қадар юртимизда
ватанпарварлик ойлиги эълон қилин-
ди. Мазкур ойлик Самарқанд вилояти-
да Марказий ҳарбий округ, Миллий
гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати ва
ички ишлар органлари хизматчилари
ҳамда уларнинг оила аъзолари учун
концерт дастури намойиши билан бош-
ланди.

● Сирдарё вилояти маркази Гули-
стон шаҳридаги маданият ва истироҳат
боғи капитал реконструкция қилиниб,
фойдаланишга топширилди. Бу ерда
реконструкция ишларига 11 миллиард

сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, ман-
ван ва жисмонан эскирган аттракци-
онлар ўрнига энг замонавий ва хавф-
сизлари ўрнатилди. Фуқароларга қўлай-
лик яратиш мақсадида 2 та европача,
10 та шарқона усулдаги айвончалар
бунёд этилди.

● Термизда Ўзбекистон Республика-
си Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат
таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни
амалга ошириш агентлиги, Ўзбекистон
Фермер, дехқон хўжаликчлари ва томор-
қа ер эгалари кенгаши, Осиё тараққи-
ёт банки иштирокида "Мева-сабзавот
махсулотларини етиштириш, сақлаш,
қайта ишлаш, логистика ва экспортни
ташкил этиш" мавзуида ўқув-семинар
ўтказилди.

● Республика ихтисослаштирилган
эндокринология ҳамда Республика их-
тисослаштирилган кардиология илмий-
амалий тиббиёт марказларининг Қарши
филиалларида дастлабки мураккаб опе-
рациялар ўтказилди.



● Португалиянинг Лиссабон шаҳри-
да катта тезликда ҳаракатланаётган

трамвай бурилиш чоғида ҳайдовчи тор-
мозни кескин босишига қарамай, из-
дан чиқиб, йўл четидаги бинога урилиб
кетиши натижасида 28 киши жароҳат-
ланди. Бироқ, уларнинг жароҳати эн-
гил эканлиги айтилмоқда. Ҳодиса жойи-
га 24 та тез ёрдам машинаси тезлик
билан етиб келди, 64 нафар кутқарув-
чи ўз вазифасини бажарди. Ҳозирда
воқеа сабаблари аниқланмоқда.

● Тўққиз карра жаҳон чемпиони
бўлган французлик афсонавий пойга-
чи Себастьян Леб Жанубий Кореянинг
"Хундай моторс спорт" жамоаси билан
икки йиллик шартнома имзолади.
Леб Монте-Карло пойгаларида илк бор
янги жамоа шарафини химоя қилди.

● Венгрия парламенти томонидан му-
холиф депутатларнинг қаршилигига
қарамадан қабул қилинган, ишчи-хо-
шчиларнинг йилгига 400 соатгача қўшимча
ишга жалб этиш ва унга иш берувчилар
томонидан уч йилгача ҳақ тўланиши акс
этган меҳнатни ислох қилиш тўғрисида-
ги қонундан норози бўлган касабани уюш-
малари Будапештда кенг кўламли на-
мойишларни ўтказишди. Касаба уюш-
малари фаоллари ушбу қонунни Европада-
ги меҳнат тўғрисидаги энг ёмон қонун
сифатида баҳоламоқдалар.

ДУНЁ ЭЪТИРОФ ЭТГАН ТАШАББУС

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мосуд МАННОН,
Бангладеш Халқ Республикаси-
нинг Ўзбекистондаги Фавкулотда
ва музоҳир элчиси:

– Бангладеш Республикаси ҳар доим тинчлик ва тотувлик, диний бағрикенглик тарафдори бўлган. Шу боис, Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Диний бағрикенглик бўйича Ўзбекистон дунёда энг намунавий ва ўрнатилган оладиган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мен Ўзбекистондаги 5 йиллик элчилик фаолиятим давомида ўзга дин вакилларига нисбатан фарз муносабатни кузатмадим. Аксинча, барча дин вакиллари, миллат ва элатлар тинч-тотув, аҳил ва ҳамжиҳат яшайди. Бу Ўзбекистон Президентини олиб бораётган сиёсат натижасида юрда диний бағрикенглик муҳити қарор топганидан далолатдир. Қолаверса, бу масала фақат қонунлар билан мустақамлаб қўйилгани учун эмас, балки кўпчилиги ислом динига эътиқод қилувчи Ўзбекистон халқининг бошқа дин вакилларига нисбатан

доимо ҳурмат-эҳтиромда бўлиб келгани билан ҳам боғлиқ. Одамларнинг турли миллат вакиллари билан дўстона муносабати, аввало, ўзаро мулоқотлар орқали шаклланади. “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли резолюциянинг БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилиниши ана шу ижобий муносабатлар натижасидир.

ВИКЕНТИЙ,

Тошкент ва Ўзбекистон митрополити:

– Бу ташаббус Ўзбекистон томонидан илгари сурилгани тасодиф эмас. Чунки бу юрда азалдан диний бағрикенглик мустақам қарор топган. Ўзбекистонни бағрикенглик бешиги, ҳам дейиш мумкин. Дунё халқлари ҳам бу диёрдаги каби тинч-тотув, аҳил ҳаёт кечирсин деган гоё илгари сурилгани бежиз эмас. Биз турли миллат ва конфессиялар вакиллари Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўллаб-қувватлови, кўмағини доимо ҳис қилиб турадим. Бундай эътибордан жуда миннатдорим.

Раҳимберди РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим бошлиғи:

– 2017 йилда Президентимиз

БМТнинг 72-сессиясида жаҳон халқлари тотувлиги йўлидаги гоё муҳим ташаббусни илгари сурди. БМТнинг юксак минбаридан туриб Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини тилга олди. Қолаверса, Ўзбекистон томонидан диний соҳада халқаро ҳужжат қабул қилиш таклифи билдирилди. Ушбу таклиф аъзо давлатлар томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, бугун давр талаби экани эътироф этилиб, БМТ томонидан резолюция қабул қилинди. Бу – Ўзбекистон ташаббуси, қарашлари, юристаётган сиёсати дунё учун нақадар муҳим эканидан далолатдир. Бугун мамлакатимиз ташаббусини дунё эътироф этмоқда.

Нуриёмон АБУЛҲАСАН,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси ўринбосари:

– Ўзбекистон Президентини илгари сурган ташаббус БМТ томонидан қабул қилингани оламшумул воқеа бўлди. Мазкур ташаббус учун Ўзбекистон ҳам тарихан, ҳам маънан ҳақли десак янглишмаймиз, бунга тарихдан мисоллар кўп. Юртимиз ҳудудиди

ний низолар кузатилмаган, шу билан бирга бугунги кунда Ўзбекистонга ташаббус буюрувчи ҳар қандай киши диний бағрикенглик муҳити бошқа давлатларга намуна бўларли даражада эканини эътироф этади. Махсус резолюциянинг қабул қилиниши натижасида энди БМТга аъзо давлатлар таълим муассасаларида диннинг инсонпарварлик моҳияти тарғиб этилади. Ҳар бир аъзо давлат бу борада ўзига мажбурият олади. Ушбу давлатларда бундан буён дин ҳеч қандай зўравонлик билан бир сафга қўйилмайди. Экстремизм, терроризм сўзлари дин билан боғланмайди. Чунки, Президентимиз 72-сессияда айтиб ўтганидек, ислом терроризмини қоралайди ва исломни биз терроризм билан боғлашимиз мумкин эмас. Шундай экан, баъзи давлатларда исломга терроризм либосини кийдиришга ҳаракат қилинаётган бир пайтда ушбу резолюция келгусида барча мамлакатларга маърифат билан ва диний бағрикенгликни ривожлантириш орқали дунёда тинчликни сақлаб қолиш мумкин, деган широр илгари сурилди.

ЎЗА

МАҚСАД: САНОАТ, РАДИАЦИЯ ВА ЯДРО ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентини “Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ва “Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорни имзолади.

Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси ва унинг минтақавий инспекциялари негизда Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат кўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилди.

Мазкур кўмита атом энергетикаси ва ядро технологиялари объектларида радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш объектларида, саноат хавфсизлиги соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва назорат қилиш учун жавобгар бўлган ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Олимжон Жўраев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси Давлат назорати бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

– Юртбошимиз қарори ва фармони қабул қилини-

шидан аввал ташкилотимиз қонун бўйича саноат, радиация, коммунал-маиший соҳаларда хавфсизликни назорат қилувчи махсус ваколатли орган эди. Эндиликда ядро хавфсизлиги бўйича ҳам ваколатли орган вази фақи юклатилди. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат кўмитасининг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб атом энергетикаси ва ядро технологиялари объектларида радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги соҳаларида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича ишни мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш белгиланди.

Шунингдек, саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги, ер қазридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги ҳамда истироҳат боғлари аттракционларини эксплуатация қилиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга ошириш, атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида лицензиялаш, саноат, радиация ва

ядро хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат назорати органлари фаолиятини мувофиқлаштириш каби вазифалар юклатилди.

Мамлакатимизда атомдан тинч мақсадларда фойдаланиш, электр энергияси олиш мақсадида 2028 йилгача иккита энергия блокдан иборат 2 минг 300 мегаватт-ли АЭС қуриб битказилиши режалаштирилган. Унинг қурилиши, ишга туширилиши ва фаолиятини давомидидаги хавфсизлик қондаларига амал қилинишини назорат қилиш ташкилотимизга юклатилди.

Эндиликда Радиация ва ядро хавфсизлиги департаменти, Ангрен кон-техника инспекцияси, Олмалик кон-техника инспекцияси, Қизилқум кон-техника инспекцияси ташкил этилди. Бундан ташқари, Саноат хавфсизлиги давлат кўмитасининг мансабдор шахслари юклатилган функцияларга мувофиқ белгиланган тартибда саноат хавфсизлиги давлат кўмитасининг назорати остидаги объектларга тўсқинликсиз кириш, хавфли ишлаб чиқариш объектлари саноат хавфсизлиги, радиация ва ядро хавфсизлиги, шунингдек, ер қазридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги талабларига риоя этилиши ҳолати устидан назорат қилиш, саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги талабларига риоя этмаган ҳолда олиб борилаётган ёки авария содир бўлишига оид келиши мумкин бўлган ишларни тўхтатиб туриш, одамлар ҳаёти хавф остида қолганда ёки авария ҳолатлари юзага келганда уларни иш жойларидан олиб чиқиш, ўз ваколатлари доирасида қонун ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бузганлик учун ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва жисмоний шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш каби ҳуқуқлари ҳам берилди.

ЎЗА муҳбири
Инобат АҲАТОВА
ёзиб олди

АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ ГЛОБАЛ ИНДЕКСИ

Аёллар тадбиркорлиги муҳитини аниқловчи халқаро стандартлардан бири – давлатлар рейтингини белгилаб берувчи халқаро ҳужжат бўлиб, унга кўра, мамлакатдаги аёллар тадбиркорлигининг ривожини сифати 3 асосий омил: тадбиркорлик муҳити, тадбиркорлик экотизими ва аёлларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги қараб белгиланади.

“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси ҳам мазкур аёллар тадбиркорлиги глобал индексида аъзо давлатлар қаторига кириш таклифи билан чиқмоқда. Ҳўш, бу аёллик тадбиркор аёлларимизга қандай имкониятлар беради? Афзалликларни нимада? Бундай аъзолик давлатимизга нима учун керак? Пойтахтимизда “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ана шу саволларга жавоб берилди. Давра суҳбатда асосий эътибор юртимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркор аёллар саноат-хизмат кўрсаткичи миллий индиксидеги тадбиркорликнинг ривожига янада кенг сафарбар қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар учун қулай бизнес муҳити яратиш, мавжуд ҳолатни жаҳон стандартлари кесимида таҳлил қилиш ва Ўзбекистоннинг аёллар тадбиркорлиги глобал индекси тадқиқотларида қатнашиш истиқболларига қаратилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси И.Насриев, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Г.Махмудова ва бошқалар мамлакатимизда

тадбиркорликни ривожлантириш, қулай бизнес муҳити яратишга алоҳида эътибор қаратаётгани таъкидлади.

“Маъно” тадқиқотчилик ташаббуслари маркази директори Б.Эргашевнинг “Аёллар тадбиркорлиги глобал индексининг аёллар тадбиркорлиги ривожидида аҳамияти” мавзусидаги маърузаси, хорижий мамлакатлар, жумладан, Беларус, Озарбайжон тажрибаси хусусидаги ўрганишлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Мутахассислар фикрича, тадбиркорликни, хусусан, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бевосита соҳага оид қонунчилик асосларини изчил такомиллаштириш бориши талаб этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ушбу глобал рейтингда қатнашиши аёллар тадбиркорлиги ҳолатининг ривожланган мамлакатлар орасида солиштириш таҳлили амалга ошириш, глобал рейтинг индикторлари орқали мавжуд муаммоларни аниқлаш, аёллар тадбиркорлиги муҳитини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирларни белгилашга хизмат қилади.

– Аёллар тадбиркорлиги глобал индекси ҳақида, очиги, маълумотга эга эмас эдим. Бугунги давра суҳбатидидаги маъруза ва фикр-

мулоҳазалардан келиб чиқиб, бунга аъзо бўлиш кераклигини аниқладим, – дейди Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридан келган тадбиркор Ражаббуви Имомбердиева. – 20 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланиб келаман. Асли касбим – хамира. Тадбиркорлигим ҳам шу йўналишда, яъни хусусий клиника юртаман. Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш соҳасига қаратаётган катта эътибор ва тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, 2019 йил бошларидан фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Тадбирда тадбиркорлик, хусусан, аёллар тадбиркорлиги халқаро стандартлари ва бу борада миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари, глобал индексга аъзо мамлакатлар иш тажрибаси ҳақида ҳам атракцион тўхталиб ўтилди. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича халқаро стандартларни мамлакатимизга татбиқ этиш юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари муҳокама қилиниб, билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Моҳиғул КОСИМОВА

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛОНАЙЛИК!

Бугунги кунда турмушда катта-катта корхоналарни, ҳатто кичик дўкон ёки хонадонни электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги замон техникасининг ривожини натижасида инсон меҳнати тобора энгиллашмоқда. Техникалар эса электр энергиясиз ишламайди. Шу боис электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга узлуксиз етказиб беришда шу соҳанинг минглаб ходимлари кечаю кундуз меҳнат қилмоқда.

Истеъмолчиларнинг ҳудудий электр тармоқларидан фойдаланишини таъминлаш, энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш жараёнида инвестициялар жалб қилиш, узатиш ва сотиш бўйича бошқарув ҳамда хўжалик алоқалари тизимига бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш, электр энергетикасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, электр энергиясидан ва ёқилги энергетика ресурсларидан оқилонан фойдаланиш соҳа фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда айниқса аҳоли томонидан эски русумдаги лампалар ўрнига кам қувват сарф қилувчи ЛЕД лампалардан фойдаланиш замон талабига мувофиқдир. Бу истеъмолчига ишлатилган электр энергияси учун кам пул тўлаб фойда келтирса, энерготўлиқлик корхонаси учун ҳам электр энергиясини ишлаб чиқаришда ва етказиб беришда амалий ёрдам бўлади, яъни электр тармоқдаги юктамаларни камайтиришга олиб келади.

Ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс энерготўлиқлик корхонаси билан электр энергияси таъминоти

бўйича ўзаро шартнома тузади. Унга биноан ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти тузилмаси истеъмолчига электр қувватини уланган тармоқ орқали етказиб бериш мажбуриятини олади. Истеъмолчи эса фойдаланилган хизмати учун электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаш, электр энергияси истеъмол қилишнинг шартномаси назарда тутилган тартибга риоя этиш, ўзи фойдаланаётган тармоқлар билан боғлиқ асбоб ва ускуналарнинг лозим даражадаги техник ҳолатини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Электр энергетика тўғрисидаги қонунда қайд этилган мажбуриятларга тўлиқ амал қилган ҳолда истеъмолчилар электр энергиядан оқилонан ва тўғри фойдаланиш, унинг беҳуда сарфланишига йўл қўймайди, хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаш ва техника хавфсизлигига тўлиқ риоя қилиш орқали электр қувватининг узлуксиз таъминланишига ўз ҳиссасини қўшган бўлади.

Дилшод ТОЛИПОВ,
“Ўздавэнергогазорат” инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

Умумхитой дўстликка кўмаклашиш ассоциацияси раиси Чэнь Чжимин бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси делегацияси мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасида 17 декабрь кунини делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Кўмита раисининг ўринбосари Р.Қурбонов меҳмонларга мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган сиёсат тўғрисида маълумот берди.

Чэнь Чжимин Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқалар ва яқин шериклик барча йўналишлар бўйича муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашаётганини таъкидлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиликларга юксак баҳо берди.

Учрашувда 2019 йилга мўлжалланган ҳамкорлик, унинг доирасида киберхавфсизлик соҳасида экспортлар алмашиш, халқ дипломатияси ва жаҳонда миллатлараро тотувликни таъминлаш бўйича маълумот олиш ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Тошкент вилояти ҳокими Ф.Ибрагимов билан учрашувда “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасида ҳамкорликда яратилаётган янги имкониятлар юзасидан фикр алмашилди.

Чэнь Чжимин Тошкент вилояти Буюк Ипак йўли шаҳарлари уюшмасига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинганини таъкидлади. Ушбу уюшма Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган 43 хорижий шаҳар ва вилоят ҳамда Хитойнинг 6 шаҳридан иборат. Вилоят раҳбариятига тегишли сертификат топширилди.

Тошкент шаҳри ҳокимлигида бўлиб ўтган мулоқотда биродар шаҳарлар – Тошкент ва Шанхай ўртасида 25 йилдан буён давом этаётган муваффақият-ли ҳамкорлик хусусида сўз юритилди. Ушбу санани нишонлаш доирасида қатор маданий тадбирлар уюштириш режалаштирилган. Тошкент шаҳар ҳокимлигига ҳам Буюк Ипак йўли шаҳарлари уюшмасининг сертификати топширилди. Икки томонлама ҳамкорлик масалалари ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентини малаҳатчиси, Давлат бошқаруви академияси ректори Р.Қосимов билан учрашди. Дўстона мулоқотда Ўзбекистон билан Хитой муносабатларининг тарихий илдизлари, бугунги ҳолати ва истиқбол юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

СУРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Якка тартибдаги тадбиркор қандай имтиёзларга эга?

Салоҳиддин Саидкулов,
Сергели тумани

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 18-моддасига асосан, якка тартибдаги тадбиркор тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизда, шунингдек, мол-мулкка эғалик қилиш ва ундан фойдаланишга йўл қўйилган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахс ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимларни ёллашга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 311-ва 375-моддаларига асосан янгидан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор қатъий белгиланган солиқ ва суғурта бадалларини рўйхатдан ўтказилган ойда тўламайди.

Мен бу йил коллежни тамомладим. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчиман. Битирувчиларга солиқлардан имтиёз бериладими? Дилфуза Собирова,
Чилонзор тумани

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш ва уларга ўз бизнесларини йўлга қўйиб олгунларича шaroит яратиш мақсадида, касб-хунар коллежлари битирувчилари ўқини тамомлагандан кейин ўн икки ой ичда якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан 6 ой муддатга озод этилган.

Бунга мисол тариқасида, Тошкент шаҳрида кийим-кечак сотиш билан шуғулланувчи коллеж битирувчиси якка тартибдаги тадбиркор ҳар ойда 1 млн. 205 минг сўм, 6 ойда эса 7 млн. 230 минг сўм қатъий белгиланган солиқларни тўлашдан озод этилади. Бу ўз навбатида, ёш тадбиркорнинг товар айланмасига қўшилиб, ушбу даврда фаолиятини янада ривожлантиришида катта туртки бўлади.

Бирок, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичда фаолият тугатилган ёки фаолият уч ва ундан кўп ойга тўхтатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланишини унутмаслигимиз лозим.

Жорий йилнинг 10 ойи давомида Тошкент шаҳрида 8138 та фуқаролар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши натижасида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бу кўрсаткич 1686 тага қўйилган.

Хусусан, фаолиятини вақтинча тўхтатган 5663 нафар якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолияти қайта тикланди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур имтиёз ва преференциялар мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, янги иш ўринларини очиб билан бирга, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишни рағбатлантиради.

Д.БОЗОРОВ,
Тошкент шаҳар ДСБ бўлим бошлиғи

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бош қомусимиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳақиқатимизда кечаятган ислохотларнинг бугунги ҳолатига ҳолис муносабат бўлди.

Маърузани биз, халқ вакиллари ҳам катта қизиқиш билан тингладик. Унда билдирилган ҳар бир фикр, ҳар бир таклифдан, белгилаб берилган устувор вазифалардан тегишли хулосалар чиқардик, албатта. Президентимиз таъкидлаганидек, халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституция юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, одамларнинг ташвиш-муаммоларини ҳал этиш, уларни рози қилиш фаолиятимизнинг асосий мезонига айланиб улгурди.

Президентимиз ўз маърузасида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган ислохотлар ҳамда ушбу соҳаларда ечимини кутаётган долзарб масалаларни бирма-бир санаб, уларнинг ечими борасида устувор вазифаларни белгилаб берди. Айниқса, Олий Мажлис палаталарининг қонунлар ижроси устидан парламент назоратини ташкил этишга доир конституциявий ваколатидан самарали фойдалана олмаётгани ҳақидаги танқидий фикрлар бизни бу борадаги фаолиятимизга янада жиддий эътибор билан ёндошишга ундайди. Тўғри, парламент мажлисларида марказий органлар ва худудлар раҳбарлари ҳисоботини эшитишда ёки қонун муҳокамалари жараёнида баҳс-мунозаралар бир оз жонланган. Бироқ, ҳали Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўртасида ҳақиқий принципапал тортишувлар бўлаётми, деб айта олмаёмиш. Шу муносабат билан маърузада таъкидланганидек, Олий Мажлис палаталарида қонунлар ижросини кўриб чиқиш, раҳбарлар ҳисоботини эшитиш билан чекланмасдан, бевосита жойлардаги аҳолининг тизимли равишда ўрганиш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш амалиётини йўлга қўйишимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқароларда

ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш ҳамда кучли ва таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг муҳим механизми сифатида келаси йилдан бошлаб "Жамоат фикри" портални ишга тушириш борасидаги қарор ҳам барчамиз учун муҳим янгилик бўлди. Қолаверса, Президентимиз жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари гоёт муҳим ўрин тутганига алоҳида эътибор қаратиб, ислохотлар моҳияти, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар ижроси билан боғлиқ муаммолар, аҳоли муро-

ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ ВА ЁРУФ ИСТИҚБОЛИМИЗ ТИМСОЛИ

жаатлари юзасидан газета, теле ва радиоканалларда танқидий мақола, кўрсатув ва эштитиришлар жуда камлигини афсус билан қайд этди. Шу ўринда айтиш керакки, кейинги икки йилда Конституция-мизда мустаҳкамлаб қўйилган фикр ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида оммавий ахборот воситаларида жонланши кузатилди.

Айниқса, жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг "Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунига таълимотларни излаш, журналистик суриштирув ўтказиш борасидаги нормаларга муаллифларнинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш юзасидан муҳим ўзгаришлар киритилди. Шундай бўлса-да, ҳали соҳа ходимлари ушбу ҳуқуқлардан тўла фойдалана олмаётми. Маърузада алоҳида қайд этилганидек, ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари халқ манфаатларининг чинакам ҳимоясига айланиши лозим. Бунинг учун улардан шижоат, профессионал маҳорат, ҳолислик ва чуқур таҳлилий салоҳият талаб этилади.

Президентимиз парламент олдида турган вазифаларга тўхталар экан, биз учун муҳим бўлган тўртта устувор йўналишни белгилаб берди.

Биринчидан, Олий Мажлис палаталарининг парламент сўровлари ва парламент эшитувлари қонун ва қарорлар ижросини ҳамда ислохотлар самарадорлигини таъминловчи таъсирчан воситага айланиши керак. Иккинчидан, депутат ва сенаторлар бевосита жойларга чиқиб, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тизимли равишда ўрганиб боришлари зарурлигини, шу билан бирга, уларни ҳал этиш бўйича Ҳукумат ва ҳокимликлар олдида вазифа қўйиши ва талаб қилиши, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар кўриши зарур. Учунчидан, қонуности ҳужжатларини қабул қилиш амалиётидан воз кечиш ва тўғридан-тўғри қўлланадиган қонунлар қабул қилиш вақти келди. Тўртинчидан, ҳар бир қонун ёки қарорнинг яратилиши соҳадаги муаммоларни чуқур таҳлил этиш, шунингдек, ҳорижий илғор тажрибаларни мунтазам ўрганиш парламентимиз олдида турган муҳим масалалар қаторида эканини таъкидлашди.

Ҳар қандай қонун ҳужжатини қабул қилишдан пировард мақсад – халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш эканини унутмаслигимиз зарур. Албатта, ушбу устувор вазифалар биз, депутатлардан фаолиятимизни яна бир бор танқидий таҳлил қилиб, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган юқоридagi вазифалар доирасида амалий натижаларга эришиш ва шу орқали халқимизнинг, сайловчиларнинг ишончини қозонмоғимиз лозим.

Шу билан бирга, жамятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш ҳам биз, халқ вакилларининг доимий диққат марказимизда бўлмоғи керак. Яъни, жойларда аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшлар билан бевосита учрашувларда ҳуқуқий тарбияни кенг йўлга қўйишимиз, Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қадриятини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланишига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз даркор. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз халқимизнинг фаровон ҳаётини, фарзандларимизнинг ёруғ келажагини таъминлаш учун бундан буён ҳам бир тану бир жон бўлиб, бор салоҳият, билим ва тажрибамизни сафарбар этишимиз лозим.

Жамшид ПИРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси



ЁШ ИХТИРОЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Бугунги кунда республикамизда ёшларга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Ёшларни ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган иштирокларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, билим даражасини ошириш учун кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, иқтидорли ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, техника, робототехника, инновацион технологиялар замонавий ихтироларни ҳаётга татбиқ этиш, ёш ихтирочиларнинг ихтироларини янги ва замонавий тарзда талқин қилиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Шайхонтоҳур туман маҳаллий Кенгаши ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети билан ҳамкорликда "Биз ихтирочимиз" кўрик-танлови ташкил этилди.

Кўрик-танловда 10 ёшдан – 16 ёшгача бўлган жами 68 нафар ўқувчи ўзларининг ихтиролари ва техник ишланмалари билан қатнашди.

Кўрик-танлов финал босқичи уч турда – биринчи турда ёш ихтирочилар ўзлари ясаган ихтиролари, макетлари, техник ишланмалари, чизмалари кўргазмаси намойиш этилди. Иккинчи турда ёш ихтирочиларга университет талабаларига яратилган шарт-шароитлар, ихтиролар ҳамда техник ишланмалар ҳақида маълумотлар берилиб, мастер класслар ўтказилди. Учунчи турда эса ёш ихтирочиларнинг ўзлари ясаган ихтиролари, макетлари, техник ишланмалари, чизмалари ҳимояси бўлиб ўтди. Ихтиро ёки гоёнинг долзарблиги, экспонатларни тайёрлаш саводхонлиги, ишнинг сифати, қўлланиш даражаси, техник кўриниши, бадий бе-залиши, тақдим этилаётган моделнинг техник талабларга жавоб бериши, ҳимоя қилиш вақтида фикрни асосли баён этиш маҳорати каби йўналишлар бўйича баҳоланди.

Натижаларга кўра 1-ўринни 13-мактаб ўқувчиси Муҳаммадсўф Тоҳиржонов, 2-ўринни 59-мактаб ўқувчиси Улугбек Абдулхаликов, 3-ўринни 180А-тармоқ мактаб ўқувчиси Музаффар Камоловлар қўлга киритишди. Голибларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Шайхонтоҳур туман маҳаллий Кенгаши томонидан замонавий русумдаги мобил телефон, китоблар жамланмаси ва дипломлар топширилди.

Уларга боқиб, илмга чанқок ёшларнинг турли йўналишларда олиб борган изланишларини тинглаб туриб, не-не буюк аждодларнинг муносиб авлодлари етишиб чиқаётганига амин бўлдик.

Зиёда РАСУЛОВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Ўқиб-ўрганиш, тинимсиз изланишлар киши камолотининг мустаҳкам пойдеворидир. Мамлакатимизда ҳар бир кундан янгилик яратишга интилаётган, ўзининг илмий ва ижодий фаолиятини бошлаган ёшларнинг сафи кундан кунга ортб бормоқда. Ана шундай истеъодли ёшлардан бири Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2-босқич магистранти Зиёда Ғуломовадир.

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Ёшлигидан чет тилларини ўрганишга астойдил бел боғлаган қаҳрамонимиз асли пойтахтлик. У она шаҳрини севади. Унинг бағрида кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Зиёда олий таълимнинг бакалавр курсида тахсил олаётган давридаёқ илмий изланишларни олиб борган. Халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда, форумларда ўзининг илмий мақола ва тезислари билан иштирок этган.

Илмий фаолияти давомида у TFT (Teachers' Foundation test) дастурида тренер ва модераторлик билан шуғулланди. Ҳозирда у бадий таржималарга қўл урган. Хусусан, Зиёда америкалик адилблар Марио Пюзонинг "Чўкинтирган ота", Ира Левиннинг "Сўнги бўса" асарларини инглиз

тилидан ўзбек тилига таржима қилди ва ўқувчилар эътиборига ҳавола этди. Эндиликда унинг навбатдаги Жек Лондоннинг "Sea Wolf" ("Денгиз бўриси") таржима асари нашрга тайёрланмоқда. Унинг таржималари бугун пойтахтдаги кўплаб кутубхоналардан жой олган. Изланишлар самараси ўлароқ қаҳрамонимиз жорий йилда олий таълим муассасаларида аъло баҳоларга таълим олиб, илмий изланишлар билан шуғулланаётган, жамоат ишларида фаоллик кўрсатаётган истеъодли ёшлар учун таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби бўлди.

— Ҳар қандай ҳаракат, интилиш ва билим мукофоти сиз қолмайди, у инсонни кўқларга кўтаради. Мен бунга яна бир бор амин бўлдим.

Ҳар бир эришган ютуқларимни она шаҳримга бағишлайман! Келажакда бу каби ютуқларнинг сони кўпайиши учун астойдил ҳаракат қиламан! — дейди у.

Зиёда Ғуломова ҳозирда Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши таъсислигида ташкил этилган Ёшлар Парламенти депутати. Дарҳақиқат, Зиёда ҳақиқат ўз мақсадини аниқ қўяди, уларнинг рўёби учун изланишдан асло чарчамайди. Устозларидан кўпроқ ўрганишга, уларнинг ибратли ҳаёт йўлидан ўрнак олишга интилади. Ўйлаймизки, у келажакда юртимизнинг илмий салоҳиятини янада ривожлантиришга ўзининг муносиби ҳиссасини қўша олади. Биз унинг келгусидаги фаолиятида зафарлар тилаб қоламиз.

Хабарлар

ПОЙТАХТ БОЗОРЛАРИДА САВДО ЯРМАРКАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан жорий йилнинг 15 декабридан бошлаб, пойтахтимизнинг Қўйил, Қорақамиш, Юнусобод, Эски жува, Фарход, Олой, Аския, Авиасозлар дехқон бозорларида байрамолди савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ярмаркаларда аҳоли арзонлаштирилган нархларда савдонинг амалга оширишлари. Янги йил олдида ташкил этилаётган каби ярмаркалардан ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонлари мамнун бўлмоқдалар.

505 ТА МАҲАЛЛАДА КЎНГИЛЛИЛАР ҚОРБОБО ЛИБОСИНИ КИЙДИ

Тошкент шаҳридаги 505 та маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тайёрланган Қорбобо кийимлари 16 декабрь кун маҳалладаги посбонлар ва кўнгиллиларга тарқатилган.

Хабар қилинишича, "Маҳаллада Янги йил" деб номланган ушбу лойиҳа доирасида маҳаллаларда яшовчи ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланганлар, юз ёшдан ошган ҳамда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг уйларида байрам ташкилланмоқда.

Шунингдек, жорий йилнинг 20-31 декабрь кунлари Тошкент шаҳри маҳаллаларида истиқомат қилувчи 12 ёшгача бўлган болаларга бир маҳалладаги маҳалла марказий биноси, кўчалар, кўп қаватли уйлар олдида ва болалар майдончаларида байрам тадбирлари ташкил этилиши режаланмоқда.

ТОШКЕНТДАН МОСКВАГА ЯНГИ ПОЕЗД ЙЎНАЛИШИ ҚЎЙИЛДИ

Тошкент – Москва – Тошкент йўналиши бўйича янги поезд рейсини амалга оширди. Янги рейс ҳафтасига бир марта ҳар жума кун йўналиш бўйича ҳаракатланади. Тошкентдан жўнаб кетиш вақти 18:54. Йўлдаги вақт 3 кунни ташкил қилади.

Поезд Самарқанд, Навоий, Бухоро ва Нукус шаҳарларидан тўхтаб ўтади. Маълумот учун, шу кунга қадар Москвага 2 та поезд қатнови йўлга қўйилган эди. Улар Тошкент – Москва – Тошкент ва Андижон – Москва – Андижон йўналишидаги поездлардир.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз муҳбиримиз

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Замонавий дунёда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармақларидан бири ҳисобланади.

Кўрсатилаётган бозор хизматлари турларининг рўйхати жуда кенгайди. Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада, 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 43 433,3 млрд. сўмини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 111,8 фоиз ташкил этди.

Бозор хизматларининг салмоқли ҳажми молиявий хизматлар, транспорт хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ва таълим соҳасидаги хизматларда кузатилмоқда. Валюта сибёсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш қўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматларни кўрсатиш бўйича амалга оширилган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатди. Молиявий хизматларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21,0 фоиз ўсиб, 10 475,2 млрд. сўмини ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 24,1 фоиз ташкил қилади).

2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида транспорт хизматлари ҳажмининг ошишига таъсир қилган омиллардан бири йўловчи ва юкларни ташини хизматлари бўлган талабнинг ошиши ҳисобланади.

Транспорт хизматлари умумий ҳажмида энг катта улушни автомобиль транспорти орқали кўрсатилган хизматлар (62,9 фоиз) эгаллайди. Бу унинг ҳаракатчилиги, юкларни (йўловчиларни) йўлда бошқа транспортга қўшишча юклардан (ўтказмасдан) "Эшикдан эшикка" етказиб беришда қўлайлиги, транспорт воситасини ҳаракатлантиришда мустақиллиги билан изоҳланади.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори технологик хизматларнинг янада ривожланиши, хизматлар янги турларининг кенгайтирилиши, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ошишига таъсир кўрсатди. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,0 фоиз ўсиб, 4 474,0 млрд. сўмини ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 10,3 фоиз ташкил қилади).

ИЖОБИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА ЭРИШИЛДИ

Жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида Тошкент шаҳрида 26298,1 млрд. сўмлик чакана савдо айланмаси бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,9 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, йирик корхоналар томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 6379,6 млрд. сўмини ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 115,5 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 19918,5 млрд. сўмини ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,1 фоизни ташкил қилди.

Мос равишда, кичик корхона ва микрофирмалар 6085,3 млрд. сўм ёки 103,6 фоизни ҳамда норасмий сектор 4207,7 млрд. сўм ёки 97,6 фоизни ташкил этди.

Туманлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Чилонзор (16,9 фоиз), Учтепа (13,1 фоиз), Шайхонтоҳур тумани (12,2 фоиз), Бектемир (12,0 фоиз) ва Юнусобод (11,1 фоиз) туманлари чакана савдо-товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 38 124,0 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 109,2 фоизни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омилли бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат ҳажмининг 6,8 фоизга, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашнинг – 3,1 баробарга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 6,1 фоизга ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 0,1 фоизга ўсиши ҳисобланади.

Худудларнинг саноат ишлаб чиқариши Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга жиҳмат қилмоқда. Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибиде энг кўп улуш Яшнобод тумани (Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 12,6 фоиз улушини), Олмазор тумани (11,6 фоиз), Мирзо Улугбек тумани (11,1 фоиз), Шайхонтоҳур тумани (10,7 фоиз) ва Сергели тумани (10,2 фоиз) ҳиссасига тўри келади.

Шунинг билан бирга энг кам улуш Яқасарой (4,7 фоиз), Учтепа (6,5 фоиз), Миробод (6,7 фоиз), туманларига тўри келади. Бунда Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда энг йирик ўсиш суръатлари Миробод (117,5 фоиз)да, шунингдек, Сергели тумани (115,5 фоиз) ва Олмазор туманларида (113,5 фоиз) кузатилмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши – 73,3 фоизни ташкил этган.

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг кўпроқ улуши Учтепа тумани (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 91,9 фоиз), Яқасарой (91,4 фоиз), Олмазор (91,3 фоиз) ва Сергели (86,7 фоиз) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Мирзо Улугбек (44,6 фоиз), Миробод (47,7 фоиз) ва Шайхонтоҳур (55,8 фоиз) туманларида кузатилди.

БАЖАРИЛГАН ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

Жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида Тошкент шаҳрида 7 917,8 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,5 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, йирик ташкилотлар томонидан қурилиш ишлари ҳажми 2 153,7 млрд. сўмини ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,5 фоизни ташкил қилиб, ўтган ойдаги ўсиш суръатига нисбатан 0,6 фоиз қўнғиб қамайди.

Мос равишда, кичик корхона ва микрофирмалар 4 219,3 млрд. сўм ёки 127,5 фоизни ҳамда норасмий сектор 1 544,8 млрд. сўм ёки 87,0 фоизни ташкил этди.

Туманлар кесимида қурилиш ишларининг катта қисми Миробод туманида бажарилган бўлиб, шаҳарда бажарилган жами қурилиш ишларининг 18,0 фоизини ташкил этди, Мирзо Улугбек туманида бажарилган қурилиш ишлари эса 14,3 фоизни, Чилонзор туманида 13,6 фоиз, Юнусобод туманида 9,2 фоиз ва Яқасарой туманида 8,8 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми, яъни 60,2 фоизни қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил тоғди. Фуқаролик объектлари қурилиши ва иқтисодлаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ҳам ўтган йилга нисбатан кўпайган ҳолда жамига нисбатан 39,8 фоизни ташкил қилди.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

ЁШЛАР – ЮРТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва мамлакатимизнинг барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик тамойили таъминланадиган, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустақкам пойдеворини яратди.

Конституциянинг 52-моддасига кўра, "Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар" дейилган. Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг мақсад ва вазифаларидан бири ҳам Қуролли Кучларга кўмаклашиш, ёшларни меҳнат, Ватанни ҳимоя қилиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда улар ўртасида спортни кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Ёш авлоднинг спортнинг техник ва амалий турларига жалб қилиш орқали жисмонан баркамол, мард, жасур ва матонатли бўлишлари, интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб, техникаларни мукамал ўзлаштиришлари, интизомли ва жамоатчиликка таяниш каби фазилатларнинг шаклланишига, ҳарбий бўлиб Ватанни ҳимоя қилиш иштиёқини уйғотиш, Қуролли Кучларимиз қудрати учун фахр туйғусини синдириш мақсадида турли спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Айнан Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод ЎСТК" унитар корхонаси томонидан Миробод туманидаги 154-мактаб билан ҳамкорликда ўтказилган "Ёшлар – юрт таянчи" деб номланган тадбир ҳам шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбирда спортнинг техник ва амалий турлари туркумига киритилган ўқ отиш, турникда тортилиш ва баскетбол тўпларини айланага тушириш бўйича мусобақа ўтказилди. Мусобақанинг ҳар бир шартига ҳакамлар ўқувчиларни назорат қилиб, баҳолаб боришди.

Тадбир давомида ўқувчилар томонидан кўшиқлар куйланди ва дилбар рақслар ижро этилди.

Қизгин тарзда ўтказилган мусобақада юқори натижаларни эгаллаган "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод ЎСТК" УК томонидан голибларга эсдалик совғалари ва дипломлар тантанали равишда топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА



ЯНГИ ЙИЛНИНГ БОШ АРЧАСИ ЎРНАТИЛДИ

Мана ўлкамизга қиш фасли ҳам кириб келди. Бу фаслда барчамиз интиқлик билан кутган Янги йил байрами кенг нишонланади. Пойтахтимизда Янги йил байрамини кутиб олиш учун тайёргарликлар аллақачон бошланиб улгурган. Бугун шаҳримиз кўчаларида безатиб қўйилган арчаларни учратишингиз мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки Янги йил байрамининг бош арчаси пойтахтимизнинг Мустақиллик шоҳ кўчасида — яъни Ёшлар ижодиёт саройининг орқа томонидаги очик майдонга ўрнатилди. Мазкур арча 35 метр бўлиб, унинг ёнида 8 метрли 4 та арча ҳам ўрнатилади. Майдоннинг ўзи эса байрам иллюминациялари билан безатилади. Шунингдек, бу ерда болақонлар учун аттракционлар ва савдо шохобчалари жойлаштирилди.

Маълумот ўрнида айтиладиган бўлсак, шаҳримиз-

да яна олтита асосий арча безатилиб, улар Халқлар дўстлиги ва Хадра майдонларида, Тошкент давлат цирки олдида, Ботаника боғи ёнида, "Next" ва "Compass" савдо-кўнгилочар марказлари яқинида ҳамда Алгоритм даҳасида "Roison Electronics" корхонаси ёнида ўрнатилади.

Бу йилги Янги йил байрами ўзгача бир руҳиятда ўтишига ишонамиз ва барчани кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этамиз.

Зафар НАЗАРОВ

Орамизда шундай инсонлар борки улар фарибгарликда шайтонни ҳам ортда қолдиришади. Уктам Чоршанбиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) шундайлар сирасига киради.

Қилмиш – қидирмиш

ФИРИБГАР ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

Гулдона қизи Муаттарни қандай қилиб бўлса-да ўқишга киритишга ҳаракат қилмоқчи бўлди. Чунки қизи ўтган йили ҳам қиролмаганди. Шунда ўғлининг синфдоши Шербек унга Уктам деган кишининг телефон рақамини бериб, уни талабаларни ўқишга олиб кириш билан шуғулланади, дея таништирди. Аёл унинг гапларига ишониб тезда Уктамга кўнжироқ қилиб, у билан учрашишни келишиб олишди. Гулдона Шербека таниши олдиндан 3.000 АҚШ доллари сўраётганини айтди.

"Олиб бораверинг. Агар пулингизни қайтариб бермаса мен ўзим олиб бераман" деди Шербек аёлга.

Шундан сўнг аёл қизи билан биргаликда Сурхондарёдан Тошкентга етиб келишди. Уктам билан Юнусобод туманидаги "Регистон" кафеси ёнида учрашди.

Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетига камиди 8-10 минг АҚШ долларига ўқишга кириши кўяман. Сизлар 8 минг АҚШ доллари берсангиз бўлди. Олдиндан 3.000 АҚШ доллари, кейин қолганини берасизлар. Имтиҳон вақтида тест саволларини олиб чиқиб кетаман. Таниш ўқувчилар орқали тест саволларини ечтириб, жавобини қайтиб олиб кириб бераман, — дея уларни ишонтирди Уктам.

Гулдона қизи гувоҳлигида унга сўралган пулини берди. Уктам ўзининг паспорт нусхасининг орқасига 3.000 АҚШ доллари қарз олганлиги тўғрисида тилхат ёзиб берди. Улар имтиҳон кунини учрашишни келишиб қайлашди.

Уктам Янгийул туманида ижарада яшаётган синглиси Хайитойниқига борди. Уй соҳибаси Холданинг йўқлигидан фойдаланиб, унинг хонасига кириб паспортини яширинча олиб чиқди. Кўп вақт ўтмай имтиҳон ҳам бошланди. Муаттарга имтиҳон вақтида ҳеч қандай ёрдам бермади. У тест саволларини ўзи билганча белгилаб чиқди. Имтиҳондан чиққанидан сўнг унинг ёнига Уктам келиб ундан паспортини ва ДТМ

варақасини олиб кечқурун қайтариб беришини таъкидлади.

Бироқ орадан бир hafta вақт ўтсада Уктам қорасини ҳам кўрсатмади. Муаттар унга кўнжироқ қилиб уйига кетишини, паспортини олиб келиб беришини сўради.

— Сурхондарё — Тошкент йўналиши бўйича қатнайдиган қирақашлар йиғиладиган жойда кўришамиз, — деди Уктам.

Қиз айтилган жойга борганида Уктам унга янгийўллик Холданинг паспортини қўлига тутказди.

— Йе, бу менинг паспортим эмас. Ўзимники бериб, — деди Муаттар ажабланиб.

— Ҳозир постларда паспорт текширилмайти. Ҳозирча шу паспорт билан кетаверинг. Кейин ўзингизникини етқиздираман, — дея уни алдаб-авраб жўнатиб юборди.

Муаттар уйига етиб олди. Имтиҳон жавоблари чиққач, қиз ДТМ рақами бўйича жавобларни текширди. Афсуски имтиҳонлардан ўтолмаганини билди қолди. Бу ҳақда онасига айтди. Онаси Уктамга кўнжироқ қилди. Аммо у гўшақни кўтармади. Унинг уйига бир неча мартаба бориб ҳам келди. Бироқ у уйда ҳам йўқ эди. Уктам Муаттарнинг паспортини акасида бериб юборди. Жабранувчилар ёрдам сўраб чқки ишларга мурожаат қилдилар.

Суд Уктам Чоршанбиевга ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми "б" банди, 28,211-моддаси 2-қисми "а" банди ва 227-моддаси 2-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганидан айбдор деб топди. Сўнгра ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 5 йил 3 ой озолиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. ЖКнинг 72-моддасига асосан тайинланган жазо шартли ҳисобланиб, 3 йил синов муддати белгиланди.

Алихон ШОДМОНОВ, Юнусобод туман прокурорининг ёрдамчиси, Хонбиби МАҲАМОВА, журналист

"101"

ЧОРШАНБА — ЁНГИНЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ КУНИ

Ёнгинлар кўпинча эҳтиётсизлик сабабли юз беради. "Тилсиз ёв" оқибатида нафақат моддий зарар кўрилади.

Баъзан у одамларнинг умрига ҳам зомин бўлади. Шу боис ёнгинни бартараф қилгандан кўра, унинг олдини олган афзалдир.

Энг ачинарлиси, ёнгин келиб чиқишига айрим фуқароларимизнинг оддий ёнгин хавфсизлиги қоидаларини билмаслиги ёки уларга риоя этмаслиги сабаб бўлмоқда. Уйда ёш болаларни қаровсиз қолдириш, шунингдек, уларнинг бўйи етadиган жойларга гурут ва шунга ўхшаш тез аланга олувчи нарсаларни қўйиб қетиш ачинарли ҳолларга олиб келмоқда. Бундан ташқари қўйибла иштиш ускуналаридан фойдаланиш, газ плиталарига резина шлангларни улаш, электр тармоқларидаги қисқа туташувлар кўнглисиз аҳоиларни келтириб чиқarmoқда.

Ёнгин қачон, қаерда, нима сабабдан юз беришидан қатъий назар одамларга ташвиш келтиради. Шундай экан доимо оғоҳ бўлайлик!

Ф.КҲУЛДОШЕВ, Учтепа тумани ЁХБ инспектори

Қиш мавсумида аҳолининг турли иситиш мосламаларидан фойдаланишга эҳтиёжи ортади. Корхона-ташқилот, аҳоли турар жойлари, талабалар ётоқхоналари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактабгача таълим муассасалари ва даволаш масканларида куну тур ёнгин хавфсизлигига амал қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Турли кўнгилисизликлар юзга келмаслиги учун ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан турги вақтда ушбу масканларда текширувлар ўтказилиб, аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилмоқда. Шу билан бирга масканларда қолувчи маъсул ходимлар билан мунтазам равишда тушунтириш ишлари ўтказиб келинмоқда.

Ш.ЭРКАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ бошлиғи, майор

Ёнгинларнинг сабаби кўлдир. Назоратсиз қолдирилган даэмол, компьютер мосламалари, носоз телевизор, кишиларнинг маъсулиятсизлиги ва бепарволик оқибатида кўрсатиб ўтилган мосламалар орқали келиб чиқадиган ёнгин катта муносабатларга олиб келади.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қиладиган бўлсак, ақсарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзга келаётганига ғувоҳ бўламиз. Билиб туриб ўзи ва мол-мулкни хатарга қўйишади.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари сизларни иш жойингиз ва хонадонингизда ҳеч қачон ёнгинлардан талафот кўрмаслигини тилаб қолади.

Қамолитдин ҲАСАНОВ, "Маърифат маркази" ЁХБ инспектори, катта сержант

Барча корхона-ташқилотларда бўлгани каби, Ички ишлар вазирлиги тизимларига тегишли биноларда, барча объектларда ҳам хавфсизлик, хусусан, ёнгин хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилади.

Бу борада, айниқса, биноларда электр симларининг тегишли қоидаларга риоя қилинган ҳолда ўтказилганлиги, уларнинг махсус қопламлар билан қопланганлиги ҳам аҳамиятга эга. Шунингдек, электр жиҳозларининг нотўғри ишлатилиши оқибатида қизиб кетиши, эъриш сабабли тармоқда қисқа туташув юзга келиши каби ҳолатларга ҳам йўл қўйилмаслиги талаб этилади. Хусусан, замонавий техника жиҳозлари, кондиционер, компьютер, принтер каби ускуналарнинг ҳам тегишли талабларга амал қилган ҳолда ишлатилиши мақсада мувофиқдир. Ҳар қуни уларни ишга туширишдан аввал назоратдан ўтказиш, иш тугаши билан ўчириб, электр тармоқидан буткул узиб қўйиш катта аҳамиятга эга. Чунки, иш амалиётида маълум бўлишича, ақсарият ҳолларда биноларда ёнгин рўй беришига шу каби электр мосламаларининг мейванди ёки эъриш оқибатида ёхуд ишдан кейин ўчирамасдан қолдириб қетиши сабаб бўлади.

Агар шу каби оддийгина, ammo маъсулиятни юксак бўлган қоидаларга амал қилсак, "тилсиз ёв" хавфидан кўнглисиз хотиржам бўлади.

Рустам ТҲУТАМУРАТОВ, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ УМОЕХТБ муҳандиси, катта сержант

Маҳаллалар ва шаҳар марказларида қад қўтарётган ёнгиндан-ёнги иншоотларнинг бунёд этилаётганлиги ёнгин хавфсизлиги ходимларининг маъсулиятини янада оширмоқда.

Бунёдкорлик ишлари кетаётган жойларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганлиги сабабли ёнгинлар сони ошиб бормоқда. Кўннинг кескин совиб кетиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилнинг 1 ноябрдаги қарорига асосан ис газидан захарланган, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ностандарт электр иситиш печларидан фойдаланмаслик, маскан, бино, уйларда дудбуронларни тозалаш ва ёнгиннинг олдини олиш борасида ташқиллий ишлар олиб боришмоқда. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларини таъминлашга қаратилган тадбирлар салмоғи оширилганига қарамай жорий йилнинг 11 ойи мобайнида Миробод тумани бўйича жами 64 та ёнгин содир бўлди. Фуқароларнинг носоз еришти ва иситиш воситаларидан фойдаланиш ҳамда уларни назоратсиз қолдириш оқибатида ёнгинлар келиб чиқмоқда.

Шу сабабли юртдошларимизни ёнгинга бефарқ бўлмасликларини сўраб қоламиз.

Бобур МУҲАМАДЖОНОВ, Миробод тумани ЁХБ инспектори, лейтенант

Ўзингизни, яқинларингизни ва ўйингизни ёнгиндан сақлаш учун ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишингиз шарт. Уйдан бирон бир иш билан кўнча қиқсангиз ёш болаларни қаровсиз қолдириш, электр жиҳозлари, телевизор, радио, магнитодон, компьютер ва газ плитасини ўчиришни унутманг.

Ёнги турган газ плитасини қаровсиз қолдириш, қийим-кемакларни қуриштиш учун унинг устига илган, қўйибла электр иситиш печаларидан фойдаланиш, носоз электр тармоқидида қисқа туташув ҳам ёнгин келиб чиқишига сабаб бўлади.

Энг муҳими шунки ҳам унутмаслик керакки ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш билан саломатлигингиз, йиллар давомида яшай ниятлар билан тўпланган мулкнингизни ёнгин хавфидан асрайсиз.

Дилшод ҲУСАНОВ, Нурмахам ЭРМЕКОВ, 27-ХЕХК диспетчерлари

Advertisement for 'Ўзгидромет' (Ozgidromet) featuring a logo and text about meteorological services and equipment.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Advertisement for "OSTEN-MIX" MCHJ (ИНН 202615270) with contact information and services.

Advertisement for "TANHO HOLDING" MCHJ (ИНН 300634681) with contact information and services.

Advertisement for "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди тасарруфидидаги 2010 йилда ишлаб чиқарилган ГБАСПГ NEXIA GLE русумли енгил автомобилларни савдога қўйди.

Advertisement for "Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани ТСРҲИ томонидан 12.12.2005 йилда № 008792-09 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "OBID FAYZ SERVIS" ОК (СТІР 303530121) таъсисчиларининг 17.12.2018 йилдаги № 6 буйруққа асосан ТУГАТИЛАДИ

Advertisement for "Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, Янгийўрғон 2-тор кўчаси, 47-уй учун Агзамхаджаева Шахзодахон Равшановна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Advertisement for "EUROASIA INSURANCE" ҚҚ МЧЖ, суғурта компанияси шунини маълум қилдики, тижорат банкларига бир неча бор оғоҳланиш хатлари берилишига қарамадан миқозлар томонидан суғурта муносабатлари тўланмаганлиги сабабли қуйидаги 0077527. 0077528. 0077529. 0079074. 0077525. 0082237. 0077211. 0077213. 0077506. 0078844. 0078848. 0078849. 0078850. 0077482. 0077483. 0077484. 0077485. 0077486. 0077487. 0077488. 0077489. 0077490. 0077850. 0077851. 0077852. 0077853. 0077854. 0077855. 0077856. 0077871. 0078340. 0078341. 0078342. 0078343. 0079096 сонли суғурта полислари ва шартномалари БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Footer section containing contact information for 'Тошкент Оқшоми' (Toshkent Oqshomi) including phone numbers, addresses, and website information.